

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/30.12.2019.Yu.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

ТУРАЕВА ДИЛНОЗА РУСТАМБОЕВНА

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ЖАБРЛАНУВЧИНИНГ ҲУҚУҚ ВА
МАНФААТЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика,
тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)

Тураева Дилноза Рустамбоевна

Жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш механизмини такомиллаштириш 3

Тураева Дилноза Рустамбоевна

Совершенствование механизма охраны прав и интересов потерпевшего в уголовном процессе..... 25

Turaeva Dilnoza Rustambоевна

Improvement of the mechanism of protection of the rights and interests of the victim in criminal trial 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 49

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/30.12.2019.Үн.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

ТУРАЕВА ДИЛНОЗА РУСТАМБОВНА

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ЖАБРЛАНУВЧИНИНГ ҲУҚУҚ ВА
МАНФААТЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика,
тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Yu171 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<https://akadmvd.uz/uz/research/nauchnyj-sovet-po-prisuzhdeniju-uchenoj-stepeni>) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим тармоғида (www.zionet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тулаганова Гулчеҳра Захитовна
юримдик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хамдамов Абдували Аҳмедович
юримдик фанлар доктори, профессор

Астанов Истам Рустамович
юримдик фанлар доктори, доцент

Етақчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/30.12.2019.Yu.25.02 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил 24 октябрь куни соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (+99871) 265-22-52; e-mail: info@akad.mvd.uz).

Диссертация билан Ички ишлар вазирлиги Академияси ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (114-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100147, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (+99871) 265-22-52.

Диссертация автореферати 2020 йил 9 октябрда тарқатилди.

(2020 йил 9 октябрдаги 23 рақамли реестр баённомаси).

А.С. Турсунов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юримдик фанлар доктори, профессор

Дж.Х. Юлдашев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қотиби, юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент

Р. Кабулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юримдик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ҳар йили ўртача 450 млндан ортиқ жиноят рўйхатга олинди, 550 млндан зиёд шахс жабрланувчи сифатида эътироф этилмоқда. Аммо 700 млнга яқин жиноятлар расмий рўйхатга киритилмай қолмоқда¹. Бу эса жиноятдан жабрланган шахсларга оид ҳақиқий ҳолатни тўлиқ акс эттириш имконини бермаяпти. Ҳозирги вақтда суд-тергов амалиётида жабрланувчи сифатида эътироф этилганларнинг 30 % ига яқини ўз ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишга қодир эмаслиги ҳам ачинарли ҳолатдир². Ҳолбуки, БМТнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида жиноятдан жабрланган ҳар қандай шахснинг ҳуқуқи – унинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар – муҳофаза қилиниши, жиноят натижасида унга етказилган маънавий, жисмоний ва моддий зарар қопланиши назарда тутилган, реабилитация қилиш шартлари белгиланганлиги эса бу масалага алоҳида ёндашиш зарурлигидан далолат беради³.

Жаҳонда жабрланувчиларга етказилган зарарни қоплашнинг самарали механизмини ўрнатиш, шахсларнинг жиноятга доир ариза, хабарларини электрон рўйхатга олиш ва натижаларининг ягона электрон ҳисобини юритиш имконини берувчи дастурий модулни яратиш, терговга қадар текширув босқичида жабрланувчининг ҳуқуқий мақомини белгилаш, диспозитив ҳуқуқларни кенгайтириш, хусусий айблов, ярашув, медиация, «хабеас корпус» институтларини қўллаш соҳасини янада такомиллаштириш, жиноят ишлари бўйича иш юритишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этишга доир муаммоларнинг илмий асосланган ечимларини топишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли муҳофаза қилинишини таъминлаш механизмини такомиллаштириш⁴, жабрланувчиларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофаза қилинишини халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибалар асосида мувофиқлаштириш⁵, инсон ҳуқуқларига оид халқаро нормаларни миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилиш жиноят процессининг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

¹ The mission of the National Center for Victims of Crime // <https://victimsofcrime.org>.

² United Nations Office on Drugs and Crime // <http://www.unodc.org/unodc/en/data-and-analysis/statistics/crime.html>.

³ Декларация основных принципов правосудия для жертв преступления и злоупотребления властью (утв. Резолюцией Генеральной Ассамблеи ООН 40/34 от 29 ноября 1985 г.) // Международные акты о правах человека сбор. документов. – М.: «Норма», 2019. – С. 166-169.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори // <https://lex.uz/ru/docs/3735818>.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6041-сон фармони // <https://lex.uz/docs/4939467>.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4850-сон (2016.21.10), «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон (2017.07.02), «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5268-сон (2017.30.11), «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6041-сон (2020.10.08) фармонлари, «Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2898-сон (2017.18.04), «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3723-сон (2018.14.05) ҳамда «Суд ҳоқимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4818 (2020.03.09) қарорларидаги «жиноятдан жабрланган шахсларга етказилган зарарни қоплаш ва кўмаклашишнинг самарали механизмларини ўрнатиш»га оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг бажарилишига муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий тақомиллаштириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишни такомиллаштириш масалалари доимий равишда жиноят-процессуал ҳуқуқ назарияси соҳасидаги мутахассис ва олимларнинг диққат марказида бўлиб келган. Мамлакатимиз олимларидан Ғ.А. Абдумажидов, Қ.Р. Абдурасулова, А.Э. Абзалов, Ғ.М. Абдусаломов, Б.Т. Акрамходжаев, Л.И. Астанова, И.Р. Астанов, С.М. Ачилов, З.Ф. Инағомжонов, Д.М. Миразов, Б.А. Миренский, Б.Б. Муродов, Ф.М. Мухитдинов, С.С. Ниёзова, Б.Х. Пулатов, М.А. Ражабова, М.Х. Рустамбоев, С.М. Саҳаддинов, Г.З. Тулаганова, Т.Н. Тиллаев ва А.Ш. Умархонов ўзларининг илмий ишларида жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашнинг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтишган.

Хорижий мамлакатларда жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқларини таъминлаш муаммоларининг айрим жиҳатларини П.Х. Алиева, М.Ю. Арчаков, В.В. Владимирова, А.А. Дмитриева, Е.А. Епихин, П.В. Ильян, А.Н. Корнеева, Т.К. Курбанмагомедов, М.А. Мусаев, С.А. Синенко,

Д.В. Филиппов, Д.П. Чекулаев, М. Мэйхуа (Хитой), А. Robert, J. Edwards, G. Diane, A. Gruber, K.L. De Klerk, D. Kloppers⁶ ва бошқалар кўриб чиқишган. Улар «жабрланувчи» тушунчаси, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, бошқа процессуал масалалар юзасидан тадқиқотлар олиб боришган. Бироқ мамлакатимизда жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш механизмини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатларига оид тадқиқотлар ўтказилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг 2018-2021 йилларга мўлжалланган илмий тадқиқот ишлари режасидаги «Ўзбекистон Республикасида жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш ва жиноят-процессуал қонунчиликдаги ўзгаришларни амалиётга жорий этиш масалалари» илмий-амалий тадқиқот йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш механизмини янада такомиллаштириш, уларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ тиклашга оид умумназарий қоидалар ҳамда жиноят-процессуал қонунчиликни ривожлантиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш институтининг шаклланиш тарихи ва жиноят-процессуал аҳамиятини ўрганиш;

жабрланувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофаза қилинишининг ҳолатини таҳлил қилиш;

терговга қадар текширув жараёнида жабрланувчининг диспозитив ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;

суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарнинг тўлиқ қопланишини таъминлаш ҳолатини таҳлил қилиш;

алоҳида тоифадаги ишларда жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини ривожлантириш истиқболларини кенгайтириш;

жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш механизмини халқаро-ҳуқуқий нормалар асосида такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишга оид айрим хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қилиб, ижобий жиҳатларини имплементация қилиш имкониятларини аниқлаш;

⁶ Бу ва бошқа муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмида келтирилган.

халқаро ҳуқуқ нормалари асосида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазаси ва уларни кафолатлаш механизмини такомиллаштириш истиқболларини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ процессуал-ҳуқуқий муносабатлар.

Тадқиқотнинг предмети жиноят-процессуал ҳуқуқ назариясида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишга оид муносабатларни тартибга солувчи миллий, халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, айрим хорижий давлатларнинг қонунчилиги, уларни қўллаш амалиёти, жиноят-процессуал ҳуқуқ фанидаги концептуал ёндашув ва илмий-назарий қарашлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида илмий билишнинг индукция, дедукция, кузатиш, умумлаштириш, таҳлил қилиш, формал-мантиқий, тарихий, социологик, шунингдек илмий манбаларни ўрганиш, жиноят ишларини таҳлил қилиш каби усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда кўринади:

жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ҳамда мол-мулкига тажовуз таҳдиди мавжуд бўлганида қўлланиладиган, жиноятларнинг олдини олиш ёки уларни фош этишда кўмаклашадиган, хавфсизлик ва ижтимоий ҳимоя чораларини ўз ичига оладиган чора-тадбирлар тизимини қонунчиликда белгилаш зарурлиги асосланган;

ўз ваколатлари доирасида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини ҳимоя қилиш чораларини кўришни ички ишлар органлари тергов бўлинмаларининг мажбуриятлари сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаш зарурлиги асосланган;

мурожаатларни кўриб чиқишда сансалорлик ва бефарқ муносабатда бўлиш амалиётига барҳам бериш мақсадида жиноятлар ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни электрон рўйхатга олиш шунингдек уларни кўриб чиқиш натижаларининг ягона электрон ҳисобини юритиш имконини берувчи дастурий модулни яратиш зарурлиги исботланган;

жабрланувчиларнинг суд мажлисларида масофадан туриб, жумладан, мобиль қурилмалар ва электрон ҳамкорликнинг бошқа шакллари орқали иштирок этиш имкониятини янада кенгайтириш, иш бўйича тарафлар учун суд қарорларини онлайн тарзда олиш имконини яратиш зарурлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 январдаги «Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ЎРҚ-515-сон Қонунини ишлаб чиқишда жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ҳамда мол-мулкига тажовуз таҳдиди мавжуд бўлганида қўлланиладиган, жиноятларнинг олдини олиш ёки уларни фош этишда кўмаклашадиган, хавфсизлик ва ижтимоий ҳимоя чораларини ўз ичига оладиган чора-тадбирлар тизимини белгилаш учун асос сифатида

фойдаланилган. Жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар эса суд-тергов амалиётида жабрланувчиларнинг бузилган ҳуқуқлари қайта тикланишига хизмат қилади.

Бундан ташқари, тадқиқот натижасида лойиҳалари ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ва «Жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш механизми такомиллаштирилишига, жиноят-процессуал муносабатларда фуқароларнинг мулкӣ ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатлари ҳамда диспозитив ҳуқуқлари янада кенгайтирилишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқӣ ҳужжатлар ва миллий қонунчилик нормалари, хорижий давлатларнинг қонунни қўллаш амалиётидаги тажрибаси, социологик тадқиқотлар (анкета сўрови, интервью олиш), статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижаларини умумлаштиришга асосланган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтган, тадқиқот натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган, ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган. Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг ҳисоботи, Олий суд, Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлиги маълумотларидан фойдаланилган, шунингдек 250 нафар судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи ва адвокатлар ҳамда 178 нафар жабрланувчилар ўртасида жиноят натижасида етказилган моддий зарарни қоплаш муаммолари ҳамда ушбу институтни янада такомиллаштириш истиқболларига оид сўров ўтказилди. Бундан ташқари, 2012–2019 йилларда юритилган 300 та жиноят иши материаллари таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмӣ ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмӣ аҳамияти диссертацияда ифодаланган хулоса, таклиф ва тавсиялардан келгуси тадқиқот ишларида, қонун ижодкорлиги жараёнида, қонунни қўллаш амалиётида, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, жиноят-процессуал ҳуқуқнинг тегишли нормаларини такомиллаштиришда, шунингдек «Жиноят-процессуал ҳуқуқ», «Терговга қадар текширув» ва «Тергов фаолияти», «Тезкор-қидирув ҳуқуқи» фанларининг назариясини бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти шундаки, жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш механизмини такомиллаштириш, жабрланувчининг ҳуқуқӣ мақомини белгилаш, жабрланувчиларга етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш учун жамғарма ташкил қилиш, маҳкумнинг жабрланувчи ва унинг оиласи билан медиатив келишуви (медиация) институтини жорий қилишга оид илмӣ-амалий аҳамиятга эга таклифларнинг мувофиқлаштирилган ҳолда жорий этилиши

мамлакатимизда жиноятчиликка қарши кураш сиёсатининг самарадорлиги янада ошишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш механизмини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларидан қуйидагиларда фойдаланилган:

жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ҳамда мол-мулкига тажовуз таҳдиди мавжуд бўлганида қўлланиладиган, жиноятларнинг олдини олиш ёки уларни фош этишда кўмаклашадиган, хавфсизлик ва ижтимоий ҳимоя чораларини ўз ичига оладиган чора-тадбирлар тизимини қонунчиликда белгилашга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 январдаги «Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ЎРҚ-515-сон қонунининг 6, 7, 10, 11 ва 15-моддаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2019 йил 22 ноябрдаги 06/1-05/3906 вх-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг жорий этилиши жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш механизмини такомиллаштиришга ва суд-тергов амалиётида жабрланувчиларнинг бузилган ҳуқуқлари қайта тикланишига хизмат қилган;

ўз ваколатлари доирасида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини ҳимоя қилиш чораларини кўришни ички ишлар органлари тергов бўлинмаларининг мажбуриятлари сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилашга доир таклифдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2898-сон қарорига 1-илова билан тасдиқланган низомнинг тўққизинчи бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2020 йил 12 июндаги 18/3185-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг татбиқ этилиши жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари самарали муҳофаза этилишига хизмат қилган;

электрон жиноий-ҳуқуқий статистика ягона ахборот тизимида яратилган жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни электрон рўйхатга олиш ва уларни кўриб чиқиш натижаларининг ягона электрон ҳисобини юритиш имконини берувчи дастурий модулни яратишга доир таклифдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августда қабул қилинган «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6041-сон фармонининг 7-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2020 йил 15 сентябрдаги 18/5101-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий қилиниши мурожаатларни кўриб чиқишда сансалорлик ва бефарқ муносабатда бўлиш амалиётига барҳам

берилишига, жиноятлар ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларнинг ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилиши тизими йўлга қўйилишига хизмат қилган;

жабрланувчиларнинг суд мажлисларида масофадан туриб, жумладан мобиль қурилмалар ва электрон ҳамкорликнинг бошқа шакллари орқали иштирок этиш имкониятини кенгайтириш, шунингдек иш бўйича тарафлар учун суд қарорларини онлайн тарзда олиш имкониятини яратишга оид таклифдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чоратадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4818-сон қарорининг иккинчи банди тўртинчи хатбошисини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2020 йил 15 сентябрдаги 18/5101-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши одил судловни амалга оширишда жабрланувчиларга кўрсатиладиган интерфаол электрон хизматлар турларининг кенгайтилишига ва суд биноларида интерфаол хизматлардан эркин фойдаланиш имконияти яратилишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари жами 18 та (хусусан, 2 та халқаро, 16 та республика миқёсидаги) илмий-амалий конференцияда муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, жумладан диссертациянинг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 12 та илмий мақола (улардан 1 таси хорижий нашрда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўққизта параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 154 бетни ташкил этди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш: назарий-ҳуқуқий жиҳатларининг таҳлили»** деб номланиб, унда муаллиф жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш институтининг ривожланиш тарихи, ҳуқуқий тартибга солинишини таҳлил қилган, шунингдек олимларнинг мавзуга оид қарашлари муҳокама қилинган.

Миллий давлатчилигимизнинг қарийб уч минг йиллик тарихига мурожаат қилиниб, унда жабрланувчи ҳуқуқ ва манфаатларининг муҳофаза қилинишини тартибга солувчи жиноят-процессуал ҳуқуқ нормаларининг ривожланиш тарихи шартли равишда тўрт босқичга бўлинган: биринчи босқич – эрамиздан аввалги V асрдан эрамизнинг VII асрларигача бўлган даврни; иккинчи босқич – VIII асрдан XIX асрнинг биринчи яримигача бўлган даврни; учинчи босқич – юртимиз ҳудуди чор Россияси томонидан босиб олинганидан то мустақиллик қўлга киритилгунига қадар бўлган даврни; тўртинчи босқич – Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритганидан кейинги даврни қамраб олади. Бу параграфда ҳар бир даврнинг жабрланувчи билан боғлиқ ҳуқуқий масалаларига хос хусусиятлари ёритилган. Хусусан, ислом ҳуқуқи бўйича «жабрланувчи» мақоми ўша даврларда ҳам мавжуд бўлиб, хусусий даъвонинг мазмунида намоён бўлган. Лекин жиноятдан жабрланган шахс айнан «жабрланувчи» мақомига эга бўлмаган. Жиноят иш юритувида айблов жараёни жабрланувчининг ўзи, айрим ҳолларда эса қариндошлари томонидан бошланган ва амалга оширилган. Айбланувчи ҳамда арз қилган жабрланувчи **жавобгар** ва **даъвогар** деб номланиб, бир хил ҳуқуқларга эга бўлишган ва ўз ҳуқуқларини ўзлари ҳимоя қилишган. Бундай ишлар қозилар томонидан кўриб чиқилган, бунда даъвогар ва жавобгар иштирок этиши шарт бўлган⁷. Ислом ҳуқуқида ушбу даъво «**жабрланувчининг муддаоси**» ёки «**музҳар ва даъво**»⁸ деб номланган.

Таъкидлаш жоизки, тарихда жиноятдан жабрланган шахснинг ҳеч қандай амалий процессуал ҳуқуқи бўлмаган. Эҳтимол бу ўша даврда ҳукмронлик қилган мафкура билан боғлиқдир. Бунда жиноят процессида жабрланувчининг манфаатларини жиноят процессини юритаётган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судда айбловчи сифатида қатнашаётган шахс ҳимоя қилган.

Ўзбекистон ҳудудида амалга оширилган суд-ҳуқуқ сиёсати ва ислохотларини муайян даврларга, уларни эса, ўз навбатида, муайян босқичларга бўлган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ. Зеро, айнан суд-ҳуқуқ ислохотларида жабрланувчининг ҳуқуқий ҳолатини белгилаш ўша даврнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шароитларига мос равишда англаш имконини беради, жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш институтининг илмий методологик ҳамда амалий асосларига оид билимларни чуқурлаштиришга кўмаклашиб, шу даврнинг илмий тафаккурини ҳолисона баҳолаш учун назарий пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Статистика таҳлиliga кўра 2017 йилда фуқаролар томонидан ички ишлар органларига жиноят содир этилгани ҳақида 227 754 та ариза ва хабар берилган бўлиб, уларнинг атиги 49 085 таси (21,6%) бўйича жиноят иши кўзғатилган, 139 685 таси (61,3%) бўйича жиноят иши кўзғатиш рад этилган; 2018 йилда

⁷ Исламов Б. Жиноят-судлов юритувида суд мустақиллигининг тарихий ривожланиши масалалари // Фалсафа ва ҳуқуқ. – Т., 2007. – № 2. – Б.65.

⁸ Диншунослик. Ислом ҳуқуқи: Дарслик / А.Р. Раҳманов, А.В. Нарбеков, М.А. Тураев; масъул муҳаррир: ю.ф.д. Н.П.Азизов. – Т., 2019. – Б.247.

ушбу кўрсаткичлар тегишлича 252 423, 30 924 (12,3%) ва 164 327 (65,1%)ни, 2019 йилда эса 279 880, 24 335 (8,7%) ҳамда 132 274 (47,3%)ни ташкил қилган. Жиноят иши кўзғатишни рад этиш натижасида минглаб жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофаза қилинмай қолган.

Ўтказилган таҳлиллар асосида жиноят-процессуал муносабатларда жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи қонунлар билан муайян даражада тартибга солинган бўлса-да, жабрланувчининг ҳуқуқларини таъминлашга оид айрим муаммолар ўз ечимини топмагани аниқланди. Холбуки, жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш иккита вазифанинг бажарилишига хизмат қилади: 1) қонун билан кафолатланган процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларининг амалга оширилишини таъминлаш; 2) жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш (бартараф этиш).

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг олий қадрият сифатида тан олинishi ҳамда уларни таъминлаш учун барча чоралар кўрилиши – фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти ҳисобланади. Бундай шартлар жиноят процессида шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ҳам тааллуқлидир.

Диссертантнинг фикрича, жиноят кодекси (ЖК) 14-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, «ушбу Кодекс билан кўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш деб топилади». Аммо жиноят-процессуал кодекси (ЖПК) нинг 54-моддасида эса «жиноят, худди шунингдек ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши шахсга маънавий, жисмоний ёки мулкый зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлган тақдирда, бундай шахс жабрланувчи деб эътироф этилади» дейилган. Шу ўринда ушбу қоидаларнинг ўзаро мос келмаётганини кўриш мумкин.

Маълумки, ЖК 25-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ «Жиноятга тайёргарлик кўрганлик ва жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун жавобгарлик ҳам ушбу Кодекс Маҳсус қисмининг тамом бўлган жиноят учун жавобгарликни белгиловчи моддасига мувофиқ ҳал қилинади» деб белгиланган. Ўрганилган жиноят ишлари материалларида ўзгалар мулкани талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятларда жиноятга суиқасд қилиш натижасида шахсга маънавий, жисмоний ёки мулкый зарар етмаган бўлсада шахс жабрланувчи сифатида эътироф этилгани ёки айрим жиноят ишларида жабрланувчи умуман иштирок етмаган ҳолатларни учратиш мумкин. Ваҳоланки, ЖПКнинг 54-моддага мувофиқ шахсга жиноят натижасида зарар етсагина уни жабрланувчи сифатида эътироф этиш мумкинлиги белгиланган.

Ушбу жараённинг қонуний тартибга солиниши жиноят ишида жабрланувчи ҳамда юридик шахслар ҳуқуқ ва манфаатларининг тўлиқроқ таъминланишига имкон яратади. 250 нафар прокурор, терговчи, суриштирувчи, судья ҳамда адвокатлар ўртасида ўтказилган социологик сўровда иштирок этган респондентларнинг 87 % амалиётда жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш етарли эмаслигини айтган, 13 % бу ишни

салбий баҳолаган. Сўралган суриштирувчи ва терговчиларнинг 37,5 % гувоҳ, жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш кераклигини қайд этган.

Жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишга оид сўров натижаларига кўра, терговчи ва суриштирувчиларнинг 17 % жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш етарли эмаслигини, 78 % вазият қониқарли эканлигини, 5 % жавоб беришга қийналишларини билдиришган.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва адвокатлар ўртасида ўтказилган социологик сўров натижаларига кўра, респондентларнинг 87% суриштирув амалиётида жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари тўлиқ таъминланмаганлигини таъкидлашган, жабрланувчилар ўртасида ўтказилган сўровларда респондентларнинг 78 % эса жабрланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўз вақтида тушунтирилмаганлигини тасдиқлашган. Муаллиф фикрича, жиноят тўғрисида шикоят (ариза) билан мурожаат қилган шахсга жабрланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари дарҳол тушунтирилиши лозим. Таҳлилларнинг кўрсатишича, жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатлари бугун етарли таъминланмаган.

Респондентларнинг 68 % халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда жабрланувчи ва гувоҳларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир нормаларга ижобий муносабатда эканликларини, 32 % эса, бундай нормалардан беҳабарлигини билдиришган.

Ушбу параграфда жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш механизмини таҳлил қилиш асосида муайян илмий хулосалар чиқарилган. Хусусан, жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш механизмини қуйидаги йўналишларда такомиллаштириш таклиф этилган:

жабрланувчилар ўз мажбуриятларини бажаришлари учун уларга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш мезонини белгилашда ЖК ва ЖПК нормаларини ўзаро мувофиқлаштириш;

ЖПКга ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини виждонан бажарган жабрланувчиларни рағбатлантиришга оид нормалар киритиш;

ЖПКдаги жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш механизмини тартибга солувчи нормаларни такомиллаштириш.

Диссертациянинг «**Жиноят процессининг босқичларида жабрланувчи ҳуқуқ ва манфаатларининг муҳофаза қилинишини таъминлаш**» деб номланган иккинчи бобида терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва суд босқичларида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш амалиёти таҳлил қилинган.

Диссертацияда терговга қадар текширув босқичида жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан жиноятдан жабрланган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашнинг бугунги ҳолати таҳлил қилинган. Шунингдек айрим ҳолатларда терговга қадар текширув босқичида жиноятни ҳисобга олишдан яшириш мақсадида жиноятдан жабрланганлар берган аризаларнинг асл мазмунини ўзгартиришга уриниш,

хусусан, жабрланувчини алдаш ёки унга турли ваъдалар бериш орқали унинг мулки гўёки жиноят натижасида эмас, балки ўзининг бефарқлиги оқибатида йўқолгани ҳақида тушунтириш хати ёзиб беришга кўндириш ҳоллари учраётгани таъкидланган. Бундай шикоятлар ариза эмас, фуқаронинг оддий мурожаати сифатида қайд этилаётгани боис аризани қонуний тарзда қабул қилиш механизмини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Диссертантнинг фикрича, жиноятдан жабрланган шахс ўрнатилган тартибда ариза билан ёки электрон шаклда мурожаат этган пайтдан бошлаб «жабрланувчи» ҳуқуқий мақомидан фойдаланиши лозим, бунинг учун суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суд ажрими чиқарилиши шарт эмас. Амалиётда терговчининг (терговга қадар текширув органи мансабдор шахсининг) жабрланувчи билан боғлиқ ишни соддалаштириш ҳамда турли тушунмовчилик ва зиддиятларнинг олди олиниши лозим.

Ушбу босқичда жабрланувчи дастлаб ариза билан мурожаат этиб, сўнгра жиноят иши кўзғатилгунига қадар берган шикоятдан воз кечиб, жиноят иши кўзғатмасликни илтимос қилиш ҳолатлари ҳам учрайди. Ишни юритаётган мансабдор шахснинг бундай вазиятдаги ҳаракати амалдаги қонун ҳужжатларида тўлиқ тартибга солинмаган. Муаллифнинг фикрича, хусусий айбловнинг муҳим талабларидан бири, шак-шубҳасиз, жабрланувчининг ҳуқуқини таъминлашда диспозитивлик изчил ўрнатилиб, жиноят-процессуал муносабатларнинг бевосита жабрланувчининг ихтиёридан келиб чиққан ҳолда юритилишини йўлга қўйишдир. Бинобарин, дастлабки тергов амалиётида жабрланувчи дастлаб шикоят бериши, сўнгра ЖПКнинг 325-моддасида белгиланган тартибда жиноят иши кўзғатилишидан воз кечиб, шикоятини жиноят иши кўзғатилгунига қадар қайтариб олиши керак. Муаллиф ЖПК 325-моддасининг учинчи қисмини қуйидаги сўзлар билан тўлдиришни таклиф этади: *«Иш фақат жабрланувчининг шикояти билан кўзғатиладиган ҳолатлар бўйича жабрланувчи дастлаб шикоят берган бўлса-да, лекин аризасини қайтариб олса, бу жиноят ишининг ҳар қандай босқичида жиноят ишини тугатишига асос бўлади»*.

Ишда терговга қадар текширув институтини такомиллаштириб, амалдаги суриштирув органининг ваколатини, соддалаштирилган тартибини сақлаб қолган ҳолда, тергов органларига ўтказиш лозимлиги исботланган.

Муаллиф жиноят натижасида жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш чоралари суриштирув ва дастлабки тергов босқичида кўрилиши ҳамда жабрланувчининг ҳуқуқлари таъминланиши лозимлиги каби масалаларни ўрганиб, сўнгги уч йил ичида жабрланувчиларга етказилган зарарнинг 84 % қопланиб, 16 % қопланмасдан қолаётганлиги ва бу кўрсаткич 206 663 616 минг сўмни ташкил этади⁹. Жабрланувчиларга жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш амалиёти айнан ишни судга қадар юритиш жараёнида таҳлил

⁹ Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов департаментининг 2017-2019 йиллардаги ҳисоботи.

қилинади, статистик кўрсаткичларни таққослаш орқали зарар қопланишини таъминлашнинг хусусиятлари кўрсатилади.

Жиноят-процессуал кодексга мувофиқ, жабрланувчига жиноят натижасида маънавий, жисмоний ёки мулкӣ зарар етказилади. Диссертацияда «зарар» ва «зиён» синоним сўзлар эмас, балки юридик жиҳатдан ўзаро фарқ қиладиган тушунчалар эканлиги таъкидланган, шунингдек агар ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) моддий неъматларни қамраб олса, «зарар келиб чиқиши» ҳамда «мулкӣ зиён» жумласи ўрнига «моддий зарар» жумласини қўллашни таклиф этган. Чунки «моддий зарар» тушунчаси «мулкӣ зиён»га қараганда кенг бўлиб, «мулкӣ зиён»ни ҳам қамраб олади.

Муаллиф «моддий зарар» тушунчасини ЖПКда қуйидагича таърифлашни таклиф этади:

***моддий зарар** – содир этилган жиноят ёки ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) оқибатида жисмоний ёки юридик шахсларга тегишли мол-мулкнинг шикастланиши ёки йўқолиши ҳамда мулкӣ ҳуқуқларга етказилган иқтисодий зарардир.*

***Зиён** – жабрланувчидаги жисмоний оғриқ, ёхуд унинг ички рухий дунёсидаги изтироблар шаклида рўй беради. Агар ноқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида фуқаронинг шахсий номулкӣ ҳуқуқлари ва бошқа номоддий неъматлари камситилишига олиб келган ҳолатларда зиён тушунчаси қўлланади.*

Диссертантнинг таъкидлашича, «зарар» тушунчаси «зиён» тушунчасига қараганда анча кенг бўлиб, «зарар» жабрланувчининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, мулкини йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар)га олиб келадиган мулкӣ характерга эга бўлган шунингдек шахснинг ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги шароитда олиши мумкин бўлган, лекин ололмайд қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади.

«Зиён» эса жабрланувчини камситиш, жисмоний оғриқ, маънавий (рухий) азоб чекиши, соғлиғига зиён етказилиши билан боғлиқдир ва бунинг натижасида фуқаронинг мулки йўқолиши (камайиши) ҳам мумкин. Лекин бошқа ҳолатларни, масалан, «бой берилган фойда»ни қамраб олмайди, жиноят процессида кўзғатилган фуқаровий даъво, бевосита зиённигина эмас, балки кўрилган зарарни ҳам ундиришни кўзда туттади.

Муаллиф процессуал қонунчиликнинг асосий вазифаларидан бири сифатида жиноят натижасида жабрланганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган самарали механизмни яратиш ва такомиллаштириш ҳамда ЖПКнинг 2-моддаси биринчи қисмини тўлдириб, қуйидаги янги таҳрирда баён этишни таклиф қилган:

«...Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари жиноятларни тез ва тўлиқ очишдан, жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофаза қилинишини, жиноят натижасида етказилган маънавий, жисмоний ёки моддий зарар ундирилишини таъминлашдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс

жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан, шунингдек қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборатдир».

Диссертацияда қайд этилишича, етказилган зарарни бартаараф этиш қуйидаги йўллар билан амалга оширилиши лозим: моддий бойликни пул ёки қиймати бўйича унга тенг бўлган бошқа ашё билан қоплаш; бузилган нарсаларни тузатиб бериш; ўғирланган нарсани қайтариш; шунингдек жабрланувчини зарур дори-дармонлар билан таъминлаш, унинг тўлиқ даволаниб чиқиши учун йўлланмалар олиб бериш каби қонунда тақиқланмаган ҳаракатлар. Умуман олганда, жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш миқдори, ҳар қандай шаклда ҳам, етказилган зарар миқдоридан кам бўлмаслиги шарт.

Биринчи инстанция, апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судларида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатлари қай даражада муҳофаза қилинаётгани таҳлил этилган. Ўрганилган 300 та жиноят ишидан 223 таси (74 %)да жабрланувчилар судларда иштирок этган. Жабрланувчилар ўртасида ўтказилган сўров натижаларидан маълум бўлишича, уларнинг айримларига суд муҳокамаси бўладиган аниқ вақт айтилмаган. Респондентларнинг 32 % жиноят иши юритувининг қайси босқичда эканлиги айтилмаслиги, суд жараёни аллақачон ўтиб кетганидан уларни ҳеч ким хабардор қилмагани бўйича шикоят қилишган. Бундан ташқари, қонунга мувофиқ, ҳукм нусхаси жабрланувчига унинг илтимосига кўра уч суткадан кечиктирмай тақдим этилиши лозим. Маҳкум ва оқланган шахсга ҳукм улар сўрамаса ҳам тақдим этилади, бироқ кўп ҳолларда жабланувчилар суд ҳукмини олишга қийналади ва у билан батафсил таниша олмайди, уларда шикоят аризаси ёзишга имконият етарли бўлмайди. Шу боис, ЖПК 475-моддасининг биринчи қисмини ҳукмнинг нусхасини нафақат маҳкумга ёки оқланган шахсга, балки жабрланувчига ҳам бериш ҳақидаги банд билан тўлдириш таклиф этилган.

Ўтказилган таҳлиллардан маълум бўлдики, 2017-2019 йилларда республика миқёсида юритувда бўлган барча жиноят ишларининг ўртача 17 % ярашув институти қўлланилиши натижасида тугатилган¹⁰. Мазкур омилдан келиб чиқиб, муаллиф томонидан тадқиқотда суд-тергов амалиётида ярашув ва хусусий айблов институтларини қўллаш самарадорлигини янада ошириш мақсадида жиноят-процессуал муносабатларда медиация институтини жорий қилиш зарурати асослантилган.

Диссертацияда айрим хорижий давлатларнинг қонунчилигини чуқур таҳлил қилиш асосида нафақат ишни судга қадар юритиш босқичида, балки шахсга эълон қилинган айблов, жиноят иши суднинг қайси инстанциясида кўриляётганлигидан қатъи назар ярашув институтини қўллаш тартибини жорий қилиш лозим деган хулосага келинган. Шу мақсадда муаллиф амалдаги ЖПКни янги 583¹-модда билан тўлдиришни таклиф этган.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий Судида жиноят ишлари бўйича судларнинг фаолияти ҳақида ахбороти // URL: <https://kun.uz/news/2020/01/16/2019-yilda-qancha-shaxs-sudlangani-malum-boldi>.

Диссертациянинг «Жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишга оид миллий қонунчиликни такомиллаштиришда халқаро-ҳуқуқий нормалар ва айрим хорижий давлатлар тажрибаси» деб номланган учинчи бобида айрим хорижий давлатлар жиноят-процессуал қонунчилиги ҳамда жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишга оид халқаро норматив ҳужжатлар киёсий таҳлил қилинган.

БМТ, Европа Иттифоқи, Юристарлар халқаро комиссияси (ЮХК) нодавлат ташкилоти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди, «Human Rights Watch», «Amnesty International» ва бошқа ташкилотларнинг жиноятдан жабрланганлар билан олиб борадиган ишлари кўриб чиқилган ҳамда халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар таснифланиб, таҳлил қилинган.

Муаллиф томонидан хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш асосида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш ҳолати ҳамда халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда компенсация, реституция ва реабилитация шаклларида ҳимояланиш механизми ўрганилган, Буюк Британия, Германия, АҚШ, Франция, Япония, Италия, Нидерландия, Таиланд, Озарбайжон, Қозоғистон, Россия қонунчилигида жабрланувчи ҳуқуқий мақомининг белгиланиши ҳуқуқлари таъминланиши ва уларга етказилган зарарни қоплашнинг моддий ва процессуал жиҳатлари ўрганилган. Муаллиф жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш ва уларга жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги қонун биринчилардан бўлиб Янги Зеландия (1963 й.) ва Буюк Британияда (1964 й.) қабул қилинган, шунингдек, «Жиноят қурбонларини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги дастур» қабул қилиниши натижасида жабрланувчига етказилган зарар жиноят суди тартибида маҳаллий, махсус фондлар ёки давлат ҳисобидан компенсация қилиниши тўғрисида қонун қабул қилинганлиги, жабрланувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофаза қилиниши, ҳуқуқлари тикланишига Европа давлатлари қўшилганликлари ҳамда жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш масалалари юзасидан бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлигини кўрсатган.

1976 йил 11 майда Германия Федератив Республикасининг «Зўравонлик жиноятлари оқибатида жабрланганларга етказилган зарарни қоплаш тўғрисида»ги қонун қабул қилинган¹¹. АҚШда 1982 йилдан буён жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари «жиноят натижасида жабрланганларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги билль» асосида муҳофаза қилинади. Масалан, 1984 йилда АҚШнинг «Жабрланувчини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қонуни асосида Федерал фонд ташкил қилиниб, унинг йиллик сармояси 9 миллиард долларни ташкил қилмоқда¹². Ушбу маблағ ҳисобидан

¹¹ The Crime Victims Compensation Act-PA 223 of 1976 // URL: <http://www.bmas.de/EN/Our-Topics/Social-Security/outlinegerman-legislation-compensation-victims-violent-crimes.html>.

¹² Мазкур Фондни АҚШ Президенти Рональд Рейган ташкил қилган ва дастлабки сармояси 150 миллион доллардан ошмаган эди. Нима учун айнан Рейган бундай ишни бошлаган эди? Гап шундаки, 1980 йилда унга нисбатан суиқасд уюштирилиб, қотил уни ўлдирмоқчи бўлган ва президентнинг ўзи жабрланувчи сифатида жиноят ишида иштирок этганида жиноятдан жабрланганларга нисбатан бошқача кўз билан қараб, уларни

Нью-Йорк, Мериленд ва Калифорния штатларида жиноятдан жабрланганларга соғлиғини тиклаши, ўқиши, малакасини ошириши ёки хўжалигини таъминлаши учун тўланадиган компенсациянинг энг кам миқдори 1000–5000, энг кўп миқдори эса 10000–15000 АҚШ доллари этиб белгиланган. Фонд жарималар, солиқлар, гаров пуллари, турли давлат божлари, суд харажатлари ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар тўлайдиган йиғимлар ҳисобидан тўлдирилади.

1996 йилда АҚШнинг 50 та штатида Мажбурий реституция тўғрисида қонун қабул қилинган. АҚШда фуқаровий даъво институти мавжуд эмас, лекин реституция институти яхши ривожланган ва жиноят жабрдийдаларига етказилган зарарни қоплаш (компенсация ва реституция шаклида) амалга оширилади.

Таиланд Конституциясига асосан, жабрланувчи ёки унинг оиласига давлат Адлия вазирлиги қошидаги махсус фонддан реституция тарзида компенсация тўлайди. Бу фонд ҳуқуқбузарликлар учун тўланган жарималар, маҳкумларнинг иш ҳақлари, жиний фаолиятдан олинган даромадлар, жиноятчиларнинг хатланган ва сотилган мулки ҳисобидан тўлдириб борилади. Ушбу махсус фонд Таиланд президентининг Декрети (1998.27.05.) асосида ташкил этилган бўлиб, жабрланувчининг даволаниши учун – 400 минг Тайвань доллари (12 минг 400 АҚШ доллари), вафот этган марҳумни кўмиш учун – 300 минг Тайвань доллари, вафот этган жабрланувчининг оиласига ва иш қобилятини йўқотган шахсга – 1 млн Тайвань доллари тўланади.

Ҳозирги вақтда Австрия, Бельгия, Болгария, Буюк Британия, Венгрия, Германия, Дания, Греция, Ирландия, Испания, Италия, Кипр, Латвия, Литва, Люксембург, Мальта, Нидерландия, Норвегия, Руминия, Словакия, Словения, Финляндия, Франция, Чехия, Швеция, Швейцария ва Эстонияда жабрланувчиларга етказилган зарарни давлат томонидан қоплаш мақсадида ноқонуний топилган даромадлар ва ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун тўланадиган жарималар ҳисобидан махсус «Фонд»лар ташкил этилган.

